

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Низамова Шоира Исамиддиновна

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети  
“Таълим менежменти” кафедраси

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ УПРАВЛЕНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ УЧРЕЖДЕНИЯМИ

Низамова Шаира Исамиддиновна

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами  
Кафедра «Управление менеджмент»

## PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MANAGEMENT OF EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Nizamova Shaira Isamiddinovna

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami  
Department of «Management Management»

**Аннотация.** Ушибу мақолада таълим муассасалари бошқаршишинг педагогик-психологик омиллари тўғрисида фикр юритилади. ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилишида, шахслараро муносабатларни бошқарув психологиясиага хос бўлган билим ва тажрибаларнинг ўрни мухим бўлиб, бу раҳбарлик фаолиятидаги юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиши ҳамда жамоалар ва шахсни бошқаршишинг самарали усулларини ўрганилади. Раҳбарга қўйиладиган замонавий талаблар ва раҳбарнинг ижтимоий сифатлари таҳдил этилади.

**Калит сўзлар:** бошқарув, психологик омил, миссия, эътиқод, қадрият, мосланишлар, ҳатти-ҳаракатлар, профессиограмма.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются педагогические и психологические факторы управления над образовательными учреждениями. При регулировании и контроле социальных отношений, при управлении межличностными отношениями важна роль знаний и опыта, присущих управленческой психологии, которая заключается в изучении эффективных методов решения проблем, возникающих в лидерской деятельности и управлении сообществами и отдельными людьми. Анализируются современные требования к лидеру и социальные качества лидера.

**Ключевые слова:** менеджмент, психологический фактор, миссия, убеждения, ценность, адаптации, действия, профессиограмма.

**Annotation.** This article discusses the pedagogical and psychological factors of management over educational institutions. In the regulation and control of social relations, in the management of interpersonal relationships, the role of knowledge and experience inherent in managerial psychology is important, which consists in the study of effective methods for solving problems arising in leadership and management of communities and individuals. Modern requirements for a leader and social qualities of a leader are analyzed.

**Keywords:** management, psychological factor, mission, beliefs, values, adaptations, actions, professionogram.

**КИРИШ.** Жамиятдаги мавжуд белгиланган меъёр ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилишда, шахслараро муносабатларни бошқаришда бошқарув психологи-ясиага хос бўлган билим ва тажрибаларнинг ўрни мухим бўлиб, бу раҳбарлик фаолиятидаги юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиши ҳамда жамоалар ва шахсни бошқаршишинг самарали усулларини ўрганади. Бошқарув психологияси турли тоифадаги раҳбарлар фаолиятининг психологик муаммоларини ўрганади. Бошқарув фаолиятининг жамоалар обьекти ҳисобланса, субъекти эса раҳбарлардир. Бошқарувнинг обьекти алоҳида шахслар ёки гурухлар бўлиб, уларга режалаштирилган, маҳсус усуллар орқали таъсир этилиб бошқарилади. Бошқарув ижтимоий психология билан бевосита боғлиқ бўлиб, энг аввало шахс ва унинг фаолиятини бошқариш

демакдир. Бошқарувнинг асосини ижтимоий, ҳукуқий, психологик ва бошқа билимлар ташкил этади. Бошқариш – санъат, санъат эса қобилиятдир. Бошқарувчи раҳбар қонун, буйруқ ва кўрсатмаларга асосланиб фаолият юритса, психологик билимлар эса бошқарувнинг энг таъсиридан қуроли ҳисобланади. Шу боис бошқарув психологияси билан ижтимоий психология узвий алоқадорликка эга. Бошқарув фаолиятида раҳбар ўзининг ижтимоий хатти-ҳаракатини назорат қилиб, тартибга солиб боради. Бошқарув фаолияти тўғри йўлга қўйилмаса, ҳеч бир қарор ёки кўрсатма аниқ ва тўлиқ бажарилмайди.

Бошқарув жараёнида раҳбар қуидаги психологик билимларга таянади:

- бошқарувда унинг фаолиятига таъсири этувчи психологик омилларни аниқлади;
- бошқарувда жамоа фаолиятини ва уларни бошқариш учун зарур қонуниятларни ўрганади;
- бошқарув жараёнида ходимларнинг касбий маҳоратининг аҳамиятли- лигини эътироф этади;
- бошқарувда шахслараро муносабатларнинг бошқариш усусларини тарғиб қилишга таъсирни ўрганади;
- бошқарувда танланган раҳбарлик услубининг жамоадаги психологик муҳит шаклланишига таъсирини доимо таҳлил қилиб боради;
- бошқарувда ходимларга психологик таъсири этиш усусларини тарғиб этади;
- бошқарувда лидерлик қила олишини таҳлил қиласди;
- бошқарув самарадорлиги ортишида таъсиричан нутқ малакасига эга бўлишга ҳаракат қиласди;
- жамоа олдида мазмунли нутқ сўзлаш, ўз фикрларини тўлиқ ифода эта олиш раҳбарлик фаолиятида талаб этиладиган муҳимлиги англайди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида аҳолининг маънавий ва психологик жиҳатдан бошқарилишида фозил одамлар шаҳрида шаҳар аҳолисининг стратометрик хусусиятларга кўра табақаланиши лозимлиги уқтирилади.

“Бизнинг қадимий ва гўзал диёrimiz нафақат шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққанини, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, Ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга фуур ва ифтихор бағишлайди”.

Ўрта Осиёнинг буюк донишмандларидан бири бўлмиш Абу Райхон Беруний ҳам бошқарув ва бошқарувчи шахси хусусида ўзининг бир қатор фикр-мулоҳазаларини баён этган. У ҳар бир кишига баҳо бериш учун, унинг қилган ишини кузатиш мумкинлигини таъкидлайди: «Ҳар бир одамнинг баҳоси ўз ишини ажойиб бажаришидадир».

Амир Темур фикрича, бу тоифа кишиларнинг тақдирини подшоҳ, хазина ва аскарлар ҳал қиласди. Кўриниб турибдики, бу турланиш асосини табақанинг ижтимоий воқеликка нисбатан бўлган муносабатлари ва хулқ-атворлари ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий жараёнларни бошқаришда одамларни қандай меҳнат турлари билан шуғулланишлари эмас, балки уларнинг кайфият ва мотивациялари, хулқининг установкалари ва маърифатлилик даражалари муҳим омиллар сифатида эътироф этилади. Ижтимоий ҳаётни бошқаришда бундай ижтимоий-психологик ёндашув Амир Темур учун ўз даврида катта бир салтанатга асос солиши имконини берган эди. Амир Темур давлатни бошқариш воситалари ҳакида тўхталиб шундай ёзади: «Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим:

- (1) кенгаш;
- (2) машварату маслаҳат;
- (3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик;
- (4) эҳтиёткорлик».

Соҳибқирон фикрича, «Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».

### ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ


Мақола мазмунини ёритишда тавсифлаш, қиёслаш, психологик таҳлил методларидан фой-

даланилди.

## ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кун раҳбарни тадбиркор, янги гоялар яратувчиси, жамоа аъзолари руҳлантирувчи, соғлом муҳитни ярата олувчиидир. Раҳбар бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун уларни ўзида шакллантиришга интилади. Бу эса унинг бошқарув маҳоратини янада юқори поғоналарга олиб чиқади ва ташкилотнинг қўзланган мақсадга йўналишини тезлаштиради.

Бошқарув фаолиятининг психологик нуқтаи-назардан турлича таърифлар мавжуд бўлиб, шахсдаги барча психологик хислатлар ва ижтимоий сифатлар қўйидаги тизим шаклида тасаввур этилиши мумкин:



Бу ижтимоий сифатлар раҳбарнинг жамоани бошқаришда турли вазиятларда юзага келган муаммоларнинг ечимини топишига ёрдам беради. Ҳар бир сифатлар қўйидагича изоҳланади.

Миссия – энг олий мақсад бўлиб, инсон бутун умрини шу мақсадга интилиш учун бағишлиади. Миссия инсон ҳаётининг йўналишини ифодалайди.

Этиқод – инсон беҳад ишонадиган ғоя ва фикрлар йиғиндисидир. Инсон ташқи оламдаги воқеа ҳодисаларни таҳлил қиласаркан, кўп нарсаларга ўз этиқоди нуқтаи назаридан қарайди.

Қадриятлар – энг қимматли маънавий бойлик бўлиб, инсон уни ҳақоратланиши ва таҳқирланишидан ҳимоя қиласади, сақлайди. Одатда, қадриятларнинг умуминсоний, бирон ижтимоий гуруҳ қадриятлари ва шахсий турлари фарқланади.

Установка –психологияда инсон ҳатти-харакатининг англанмаган программаси сифатида тушунилади. Инсон доимий бажарадиган ҳатти-харакат даставвал англанилган ҳолда амалга ошади ва у тақрорлангани сари беихтиёр, автоматлашган ҳолатга ўтиб боради.

Замонавий бошқарувда психологик омиллар соҳа олимлари томонидан турлича этилади. Т.Ю. Базаров таърифи бўйича «Ташкилотдаги барча инсон ресурслари йиғиндиси - персоналдир. Бунга ташкилот ҳодимлари, бирон лойиҳани жорий этишда қатнашувчи ҳамкорлар, тадқиқот ўтказиш учун, стратегия ишлаб чиқиши, бирон тадбирни амалга оширишда қатнашишга таклиф этилган эксперталар ҳам киради». Ҳодимларни бошқаришнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари кадрлар билан ишлашда хатоларга йўл қўймасликдир. Кадрларни танлаш, кадрларни иш жойига тўғри қўйиш, иш жойи ва касбга алоқадор масалаларда ҳодимнинг шахсий ва касбий хусусиятини чуқур ўрганиш вазифаси қўйилади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи, хўжалигимизнинг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграцияси, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик масаласи замонавий раҳбарни хўжалик муаммолари доирасида чекланиб қолмай, балки атрофдаги воқеаларни кенгроқ идрок этишини талаб қиласади. Шу нуқтаи назардан, замонавий раҳбар нафақат ташкилотни иқтисодий чўққига етакловчи шахс, балки, тарғиб этилаётган давлат сиёсатини меҳнат жамоаси онгига етказувчи фаол ҳамдир. Раҳбар бошқарув давомида ҳодимларнинг турлича ҳарактерга эгалигига дуч келади. Айрим ҳодимлар раҳбарга бошқарувни амалга оширишда халақит беради. Шу ўринда бошқарувга халқит берувчи шахс хислатлари ҳақида гапириб ўтамиш. Самарали бошқарувга тўсқинлик қилувчи шахс хислатлари тўғрисида бизнес бошқаруви соҳасидаги олимлар М.Вудкок ва Д.Френсис бир қанча менежерлар фаолиятини ўрганиб ва қуйидаги ички тўсиқлар раҳбар фаолиятининг самарасини пасайтиради, деб хисоблайдилар:

1. Ўз-ўзини бошқара олмаслик.

2. Шахсий қадриятларнинг шаклланмаганлиги.
3. Шахсий мақсаднинг аниқ ифодаланмаганлиги.
4. Камолотга интилишнинг йўқлиги.
5. Муаммони еча олмаслик.
6. Ижодий ёндошувнинг этишмаслиги.
7. Итоатидаги ходимларга таъсир этолмаслик.
8. Бошқарув фаолияти хусусиятини яхши билмаслик.
9. Бошқарув малакасининг сустлиги.
10. Итоатидаги ходимларда меҳнат малакасини шакллантира олмаслик.
11. Жамоа ташкил этишдаги суст қобилият.

Бошқаришда эътиборни бевосита ва беғараз равишда ходимлар манфаатига йўналтириш, маъмуриятга нафакат обрў, балки моддий ютуқлар ҳам олиб келади. Кадрлар танлаш сиёсатидаги энг долзарб масалалардан бири, яъни хизмат ўринларига бўлган талаблар профессиограммага жамланган.

Профессиограмма бирон касбнинг ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқариш ва техник, санитария-гигиена, психологик ва бошқа хусусиятларини баён этишдир. Профессиограмма факат гина касб ёки мутахассисликка қўйилувчи талабларнигина эмас, балки иш жойларига бўлган талабларни ишлаб чиқишига ҳам имкон беради. Профессиограммани яратиш жуда машаққатли иш бўлиб, бу тадбирга сарфланадиган вақт ва ҳаражатлар олинадиган натижа, мақсад қанчалик муҳимлиги билан белгиланади.

Бундай профессиограммалардан қўйидаги соҳаларда фойдаланиш мумкин:

1. Мавжуд иш ўринларига кадрларни танлашда.
2. Меҳнат шароитларининг санитария-гигиена жиҳатларини мукаммаллаштиришда ҳамда меҳнат ва дам олишни тўғри режалаштиришда.
3. Меҳнат хавфсизлигини яхшилаш.
4. Кадрлар турғунлигини таъминлашда.
5. Жамоадаги ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал этишда.
6. Меҳнат сифатини оширишда.

Умуман, профессиограмма – у ёки бу касбга қўйиладиган талаблардан келиб чиқувчи шахсга хос билим, малака ва кўнимкаларнинг уйғунлашган йиғиндисидир. Раҳбарларга қўйилувчи талаблар асосида яратилувчи профессиограммалар тўғрисида М. Қурбонов «Муайян лавозим профессиограммаси – ушбу лавозим эгаси қандай бўлиши керак?» деган фикрни билдиради.

Профессиограммалар баъзи бир касб ва иш ўринларига аллақачон ишлаб чиқилган ва доимий тарзда такомиллаштириб боради. Ҳатто бошқарув соҳаларида ҳам раҳбарлар профессиограммасини яратиш каби илғор ғоялар республикамиз олимлари томонидан ўрганилган. Раҳбар ходимлар профессиограммасини яратишда мавжуд намуналардан фойдаланиш ўринлидир. Мана шу соҳадаги изланишлар қаторига Республикашимиз олимлари томонидан яратилган манбаларга мурожаат этиш мумкин. Кадрларни баҳолаш соҳасидаги тадқиқотчилар Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов муаллифлигига яратилган раҳбарлик хислатларини баҳолаш сўровномасида келтирилган мезонлар ва курсаткичлар раҳбарлик профессиограммасини яратишда анча қулайлик туғдиради. Малакали раҳбарларни баҳолаш кўрсаткичлари сифатида шахс хислатларининг қўйидаги мажмуи берилади:

- шахснинг лидерлик хислати;
- ўзгаларнинг ишини такомиллаштириш ва бошариш;
- тижорат ва мижозларга оид масалаларни ҳал этиш қобилияти;
- натижаларни қўлга киритиш: вазифаларни бажариш;
- коммуникация
- муаммоларни ҳал этиш ва қарор қабул қилиш;
- янгиликларни жорий этиш ва такомиллаштириш йўлидаги ўзгаришларни бошқариш;
- ўз-ўзини бошқариш хислатлари.

Раҳбарнинг касбий мукаммаллашуви, ўз-ўзини бошқариш малакаларини эгаллаши, ташкилот ва ходимлар бошқарувидаги асосий мавзулардан бирига айланиб, бошқарув жараёнидаги инсон фаолияти қабул килинади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўрганилган манбалар асосида, раҳбар бошқарувини ўрганиш психологияда стандартлаштирилган методикалардан фойдаланилган ҳолда эмпирик тадқиқотлар ўтказишни тақазо этади. Шунинг учун раҳбарнинг коммуникатив сифатларининг фаолият самараадорлиги кўрсаткичига ўрганишга асосланган тадқиқотлар мураккаб жарабён ҳисобланади. Муаммо юзасидан ўтказилган педагогик жамоаларнинг кўпроқ ва нисбатан камроқ тайёргарлик даражасига эга бўлган раҳбарларида шахслик хусусиятларини қиёслашга бағишиланган кам сонли ишларни етарли деб таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бошқарув муаммоси психология соҳасида чуқур ўрганилган бўлиб, уларда турлича назариялар, ёндашишлар, позициялар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, олий таълим тизими раҳбарнинг ташкилот мақсадларини ходимлар манфаати билан уйғунлаштирган ҳолда бошқарув жараёнини ташкил этиши бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Айнан шу омил, айниқса, бошқарув маҳоратига эга раҳбарни лидер даражасига кўтарилишга хизмат қилади.

#### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шерстнёв М. П. Психологическое управление людьми. – М., 2003.
2. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. — Б. 160.
3. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўкув қўлланма / Масъул муҳаррир: А.Холбеков. – Т.: ДЖҚА «Раҳбар» маркази; «YUNAKS-PRINT» МЧЖ, 2006. – Б. 10–13
4. Амир Темур ўгитлари: Тўплам. Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов. – Т.: Наврӯз, 1992. – Б. 75.
5. Базаров Т.Ю. Управление персоналом. М., 2002, с. 95
6. Бошқарув психологияси. Шомуротова Н.Н., Махмудов И. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. - Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 179 бет.
7. Пардаев О.М. – «Тизимли менежмент назарияси» фанидан ЎУМ. Самарқанд. 151-бет.
8. Шомуротова Н.Н., Махмудов И. Бошқарув психологияси. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. - Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 179 бет.
9. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. Т. «Турон-Иқбол». 2006. 196 бет.